2017 ЙИЛ 1 АВГУСТ, СЕШАНБА

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 156 (13.489)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИНГ ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишда кўмаклашиш, маҳаллийлаштириш жараёнларини кенгайтириш, аҳолининг бандлиги ва саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Ушбу мақсадда тузилган "Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекцияси" давлат корхонаси (кейинги ўринларда Дирекция деб юритилади) томонидан кўргазма-ярмарка савдоларини ташкил этиш, уларда иштирок этишга товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларни жалб этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар Дирекция фаолиятини ташкил этишнинг амалдаги тартиби давлат ва корпоратив харидларнинг очиқлиги ва шаффофлигини лозим даражада таъминламаётганлигини кўрсатди.

Хусусан, тендерлар ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар асосида Кооперация биржаси доирасида асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган хом ашё ва материалларнинг харидини амалга оширишга имкон берувчи амалдаги тартиб турли хил коррупция кўринишлари, шу жумладан, олдиндан белгиланган етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш мақсадида биржалардан фойдаланиш учун шароит яратмоқда.

Кўргазма-ярмарка тадбирларини ўтказишнинг тартиб-таомиллари, энг аввало, кичик бизнес субъектларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш учун давлат ва корпоратив буюртмаларни олишга бўлган имкониятларини, оқибатда соғлом рақобат муҳитини янада ривожлантиришни лозим даражада таъминламаяпти.

Дирекция томонидан тузилган шартномаларни таҳлил қилиш ва улар асосида тегишли лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш, маҳаллий хом ашё базасида тайёр маҳсулотларни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш учун саноат кооперациясининг роли ва аҳамиятини ошириш бўйича асосий вазифалар амалда бажарилмаган.

Бундан ташқари, Дирекция фаолиятига илғор ахборот-коммуникация технологияларининг паст даражада жорий этилганлиги давлат ва корпоратив харидларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шартномаларни рўйхатга олишнинг самарасиз тизими, тузилган шартномалар ижросини назорат қилишнинг таъсирчан механизмлари мавжуд эмаслиги аксарият ҳолларда қабул қилинган шартнома мажбуриятлари ва тасдиқланган тармоқ жадвалларининг бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан самарали фойдаланилишини, рақобатнинг янада ривожланишини ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб беришга давлат ва корпоратив буюртмалардан тенг фойдаланиш имкониятини, шунингдек, мазкур жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг "Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекцияси" давлат корхонасини тугатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Дирекцияни тугатиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур чораларни кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлар тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими доирасида давлат харидлари ягона ахборот порталини ҳамда ресурслар ягона миллий маълумотномасини яратиш орқали уларнинг очиқлиги ва шаффофлигини оширишга қаратилган таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

"Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазма мажмуасининг кўргазма-ярмарка фаолиятини янада ривожлантириш бўйича таклифларни;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 31 июль*

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ДЕПУТАТЛАР БИР ҚАТОР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

***2017 йил 31 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Кун тартибига 22 та масала киритилди. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги, "Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.***

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳалари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Шуни таъкидлаш кераккки, жорий йил 12 июль куни парламент ва сиёсий партиялар вакиллари билан учрашув чоғида мамлакатимиз раҳбари томонидан билдирилган вазифаларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларининг дастлабки тарздаги муҳокамаларини ташкил этишга бўлган ёндашув қайта кўриб чиқилди. Хусусан, қонун лойиҳалари фақат Қонунчилик палатасининг ўзидагина эмас, балки жойларда ҳам муҳокама этилди. Муҳокамаларда ҳудудий партия ташкилотларининг, халқ депутатлари тегишли Кенгашларидаги партия гуруҳларининг вакиллари, шунингдек, оддий фуқаролар иштирок этдилар. Давлат раҳбарининг мазкур ташаббуси аҳоли ўртасида кенг қўллаб-қувватланди ва қонун лойиҳаларининг янада пухта ишлаб чиқилишига кўмаклашди.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаларининг қўмиталар, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, Экоҳаракат депутатлар гуруҳидаги дастлабки тарздаги муҳокамаларига Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, экспертлар ва мутахассислар таклиф этилди. Шу тариқа турли табақалар ва гуруҳларнинг, экспертлар ҳамжамиятининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилишдаги манфаатлари инобатга олиниши таъминланди.

*(Давоми 2-бетда)*

**ПОЙТАХТНИНГ** БИР КУНИ

***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси тингловчиларининг навбатдаги тантанали битирув маросими бўлиб ўтди. Унда офицерлар, кенг жамоатчилик вакиллари, битирувчиларнинг оила аъзолари ва яқинлари иштирок этди.***



**Ватан ҳимояси – муқаддас бурч**

## БИТИРУВЧИЛАР ХИЗМАТГА ШАЙ

Академия бошлиғи П.Эргашев ва бошқалар миллий армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳарбий кадрларнинг, айниқса, офицерларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бунинг самарасида ҳарбий хизматчиларнинг профессионаллиги, жанговарлик ва интеллектуал салоҳияти юксалиб бораётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида барча бўғиндаги профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Тадбирда битирувчиларга диплом ва кўкрак нишонлари топширилди. Таълим жараёнида жонбозлик кўрсатган, сафдошларига ўрнак бўлган бир гуруҳ битирувчилар ва ўқитувчи-офицерлар муносиб рағбатлантирилди.

– Давлатимиз томонидан биз, ҳарбийларга катта имкониятлар яратилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига имтиёзли диплом соҳиби Арслон Йўлдошев. – Академияда икки йил давомида мутахассислигимиз бўйича мустаҳкам билим ва кўникмаларга эга бўлдик. Келажакдаги хизмат фаолиятимизда мазкур билим ва тажрибамизни ишга соламиз.

Тадбир сўнгида таниқли санъаткорлар ижросида куй-қўшиқлар янгради.

**Н.НАСРИЕВ**

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ИНСТИТУТЛАР ФАОЛИЯТИДА

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

***Тошкент темир йўл муҳандислари институтида "Ҳаракатлар стратегияси" ахборот хоналарининг расмий очилиши муносабати билан давра суҳбати бўлиб ўтди.***

"Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори А.Бурҳонов ва бошқалар "Ҳаракатлар стратегияси" ахборот хоналарини очиш соҳадаги таълим сифатини ошириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда алоҳида ўрин эгаллашини, уларнинг келгусида малакали кадрлар бўлиб Ўзбекистонни янада ривожлантиришдаги иштирокини таъминлашини таъкидлади.

– "Ҳаракатлар стратегияси" ахборот хоналарининг фаолият юритиши талаба-ёшларнинг жамиятимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёндаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади, – дейди институт ректори М.Расулов. – Улар шу ва бошқа мавзуларда сўровномалар ўтказиш орқали жамоатчилик фикрини ўрганиш, семинар ва тренинглар ташкил қилиш ва бошқа кўплаб вазифалар билан шуғулланади.

Давра суҳбатида Тошкент темир йўл муҳандислари институти ва "Тараққиёт стратегияси" маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими имзоланди.

**Г.БОБОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

**XXI аср садоси**
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда таниқли олимлар, адабиёт ва санъат намояндалари, касаба уюшма фаоллари ҳамда турли тармоқларда фаолият олиб бораётган меҳнаткашлар иштирок этдилар.**

**• Қаршида Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни мазмун-моҳияти тарғиботига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**• Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида фермер хўжаликлари дала шийпонларини пахта йиғим-терими мавсумига тайёрлаш ва теримчилар учун муносиб шароит яратиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

**• Навоий давлат кончилик институтида "Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш – тараққиёт гарови" мавзусида очиқ мулоқот ўтказилди.**

**• Нукусда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти профессор-ўқитувчилари иштирокида ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди.**

**• Урганчда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун "Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупция ҳолатларининг олдини олиш бўйича фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Узоқ йўл йўловчини толиқтириши аниқ. Айниқса, автобусда: ўриндиқда ухлаш эса ноқулай. Ана шуларни ҳисобга олган АҚШлик Том Куриэр автобусларга қулай каравотлар ўрнатиш лозимлигини ўйлаб топди. У каравотлар билан жиҳозланган иккита автобусни Лос-Анжелес — Сан-Франциско йўналишида ишга туширди. Автобус соат 23.00 да йўлга чиқиб, белгиланган манзилга эрталаб соат 7.00 да етиб боради.**

**• Буюк Британияда 2040 йилдан бензинли ва дизелли двигателга эга машиналар сотилиши тақиқланади. Режада нефть маҳсулотларида ишловчи янги машиналардан воз кечишдан ташқари, светофорлар ишини ўзгартириш ҳам кўзда тутилган.**

**• Америкалик олимлар яратган биомаркер ошқозон ости бези саратонини бошланғич даврда аниқлаш имконини беради. Шифокорлар тадқиқот давомида 746 та намунани ўрганиб, биомаркерлардаги эрта ташхис учун энг яхши номзод – тромбоспондин – 2 оқсили эканини аниқлади.**

**• Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари халқаро федерацияси маълум қилишича, Шри-Ланкада йил бошидан бери салкам 300 киши денге безгаги оқибатида оламдан ўтди, 100 мингдан ортиқ киши шу касалликка чалинди.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИНГ ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишда кўмаклашиш, маҳаллийлаштириш жараёнларини кенгайтириш, аҳолининг бандлиги ва саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Ушбу мақсадларда кўргазма-ярмарка савдолари, шу жумладан, ҳар йили ташкил этилаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар кўргазма-ярмарка савдоларини ташкил этиш ва ўтказишга масъул бўлган "Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекцияси" давлат корхонаси (кейинги ўринларда Дирекция деб юритилади) фаолиятида жиддий камчиликлар мавжудлигини, бу эса давлат ва корпоратив харидларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга салбий таъсир этаётганлигини кўрсатди.

Хусусан, тендерлар ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар асосида кўргазма-ярмарка савдолари доирасида асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган хом ашё ва материалларни харид қилишнинг амалдаги тартиби турли хил коррупция кўринишлари, шу жумладан, реал бозор конъюнктурасини инобатга олмасдан шартномалар тузиш, нархларни ошириш ва сифатсиз маҳсулотларни етказиб бериш учун шароит яратмоқда.

Кўргазма-ярмарка савдоларини ўтказишнинг тартиб-таомиллари, энг аввало, кичик бизнес субъектларининг давлат ва корпоратив буюртмаларни олишга бўлган имкониятларини лозим даражада таъминламаяпти, бу эса бозорда соғлом рақобатни ривожлантиришни чеклаб қўймоқда.

Кўрсатилган муаммолар битимларни тузишнинг шаффоф механизми йўқлиги, ушбу соҳага илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича ишларнинг етарли эмаслиги сабабли кучаймоқда.

Бундан ташқари, илгари ўтказилган халқаро саноат ярмаркалари ва кооперация биржалари доирасида тузилган шартномалар ижро этилиши якунларининг таҳлили шартнома мажбуриятлари ва тасдиқланган тармоқ жадвалларининг бажарилиши тўлиқ таъминланмаётганлигини кўрсатди.

Мазкур ҳолат кўргазма-ярмарка савдоларида тузилган шартномаларни ижро этиш жараёни устидан лозим даражада назорат ўрнатилмаганлигидан, уларни тузишда, шу жумладан, Дирекция ишини ташкил этишдаги хатолар оқибатида содир этилган суиистеъмолчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Шу билан бир қаторда, Дирекция томонидан тузилган шартномаларни таҳлил қилиш ва улар асосида тегишли лойиҳаларни маҳаллийлаштириш дастурига киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш, маҳаллий хом ашё базасида тайёр маҳсулотларни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш учун саноат кооперацияси роли ва аҳамиятини ошириш бўйича асосий вазифаларнинг бажарилиши амалда таъминланмаган.

Кўргазма-ярмарка савдоларини самарали ўтказиш учун павильон майдонлари ва бошқа инфратузилмаларнинг етарли эмаслиги етказиб берувчиларнинг талабларини тўлиқ даражада қаноатлантирмаган, шунингдек, уларнинг иштирокчилари доирасини, айниқса, кичик бизнес субъектлари ҳисобидан кенгайтириш имконини бермаган.

Баён этилганлар инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарори билан Дирекция тугатилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлари тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш топширилди. Таклифлар Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими доирасида давлат харидлари ягона ахборот портали ҳамда ягона миллий ресурслар маълумотномасини ташкил қилиш орқали мазкур тизимнинг очиқлиги ва шаффофлигини оширишни назарда тутиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан ташкил қилинмоқда ҳамда ҳар бир ресурснинг (товарлар, ишлар ва хизматларнинг) ҳақиқий бозор қийматини шакллантириш имконини берадиган Ресурслар ягона миллий маълумотномасини жорий этишни, шунингдек, давлат харидларининг шаффофлиги ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олишни таъминлайдиган ягона автоматлаштирилган тизимни яратишни назарда тутади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган қарор давлат ва корпоратив харидлар жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш, кўргазма-ярмарка савдоларидан қонунга хилоф мақсадларда фойдаланиш имкониятларига чек қўйиш, тузиладиган шартномаларнинг ижроси устидан назоратни таъминлашга, пировард натижада бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, рақобатни янада ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг давлат ва корпоратив харидларда иштирок этиши учун тенг имкониятлар яратишга кўмаклашади.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

***Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бир қатор масалалар кўриб чиқилди.***

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги қароридан келиб чиқадиган партия фаоллари ва унинг фракцияси аъзолари олдида турган муҳим вазифалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси раиси С.Отамуродов давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорида оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан мақсадли, ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтириш, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларини янги босқичга кўтариш лозимлиги қайд этилганини таъкидлади.

Йиғилишда партия фракцияси, барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этиши зарурлиги қайд этилди.

Фракция йиғилишида "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Ҳозирги кунда юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат органларига мурожаатлари 2014 йилда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади. Бироқ ушбу қонун соҳадаги умумий масалаларни тартибга солса-да, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашдаги ҳуқуқий механизмларни тўлиқ очиб бермаган. Янги таҳрирдаги қонун амалиётдаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш соҳасидаги муносабатларнинг тўлиқ тартибга солинишини назарда тутади.

Фракция йиғилишида "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги, "Парламент назорати тўғрисида"ги, "Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан муҳокама қилинди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция йиғилишида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳасининг мақсади тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органлари ва бошқа ташкилотлар асоссиз аралашувининг олдини олиш, вакил фаолиятининг ҳуқуқий механизмларини белгилашдан иборатдир. Ушбу ҳужжат билан вакилнинг давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда АҚШ, Франция, Буюк Британия, Австралия, Канада, Жанубий Корея сингари ўттиздан ортиқ давлатнинг тажрибаси ўрганилди.

– Ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда қулай бизнес муҳитини янада яхшилаш орқали тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, янги иш ўринлари яратиш ва хусусий секторда аҳоли бандлигини кўпайтириш имконини беради, – дейди ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Ш.Бафоев. – Бозор инструментлари ва механизмларини жорий этиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, кичик бизнес субъектларининг кредит-молия ва хомашё ресурсларидан, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларга давлат буюртмаларидан кенг фойдаланишни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни давом эттириш давр талабидир.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг "Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳасида болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш ва ахборот олиш кафолатларини таъминлаш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилган. Бу ҳужжат болаларни бузғунчи, уларнинг руҳиятига зарар етказувчи таъсирлардан ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлигига зиён етказувчи ахборот тарқатилишининг олдини олиш, чеклаш ва тақиқлаш, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, жисмоний ва юридик шахслар фаолиятини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Йиғилишда "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

**Г.САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ДЕПУТАТЛАР БИР ҚАТОР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Депутатлар ўз ишларини “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама этишдан бошладилар. Таъкидландики, унинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этиш кафолатларини кучайтиришга, уларнинг фаолиятига давлат органлари ва бошқа ташкилотлар асоссиз аралашувининг олдини олишга, бизнес-омбудсман институти фаолиятининг ҳуқуқий механизмларини белгилашга қаратилган.

Депутатлар мазкур қонун тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш учун кенг имкониятлар очишини алоҳида таъкидладилар. Шуниси ҳам борки, бу фақат ўзимизнинг тадбиркорлар учунгина эмас, балки ўз бизнесини Ўзбекистон Республикасида амалга ошираётган хорижий компанияларга ҳам тааллуқлидир. Зеро, қонун лойиҳаси илғор хорижий тажрибани, хусусан, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Австралия, Канада, Жанубий Корея каби мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

“Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама этиш пайтида уни тайёрлаш болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминловчи ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш зарурлиги билан боғлиқ эканлиги таъкидланди. Асосий мақсад – болаларни бузғунчи, уларнинг руҳиятига зарар етказувчи таъсирлардан муҳофаза этиш, шунингдек, уларнинг саломатлигига зиён етказувчи ахборот тарқатилишининг олдини олиш, чеклаш ва тақиқлашдан иборат. Ушбу қонун қабул қилингач, депутатлар таъкидлаб ўтганларидек, унинг қоидаларини рўёбга чиқариш мамлакатимиз раҳбарининг доимий эътибори остида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланади.

Сўнгра депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралда қабул қилинган “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроса доирасида ишлаб чиқилган “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ҳозирги кунга қадар ҳуқуқий ахборотни тарқатиш тартиби 20 тадан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинмоқда. Лекин уларда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари аниқлаштирилмаган. Шу билан бир қаторда, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш усуллари тизимлаштирилмаган эди. Натижада амалиётда мазкур соҳада жиддий камчилик ва нуқсонлар кўзга ташланмоқда. Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, қонун қабул қилингач, ана шу масалалар ҳал этилади.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ҳам амалий хусусиятдаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этишга қаратилгандир. Муҳокамалар жараёнида таъкидландики, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди. Фуқаролар мурожаатларига жиддий эътибор қаратиш бундан буён ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсатининг асосий хусусияти ва устуворликларидан бири бўлиб қолади. Шу муносабат билан ушбу соҳадаги барча янгилик қонунчилик даражасида мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Чунончи, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгач, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашга оид ҳуқуқий механизмлар аниқлаштирилади ва ойдинлаштирилади. Бу, пировард натижада, мазкур соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилашга кўмаклашади.

Қонун лойиҳалари қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлганлигини қайд этиб ўтиш керак. Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг вакиллари ўз дастурий ҳужжатларидан, сайловчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўз нуқтаи назарларини билдирдилар. Депутатлар биринчи ўқишда кўриб чиқилган қонун лойиҳаларини концептуал жиҳатдан маъқулладилар.

Шу билан бирга, мажлис давомида депутатлар қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамалари доирасини изчил кенгайтириб бориш зарурлиги тўғрисида якдил фикр билдирдилар. Шу муносабат билан жамоатчиликнинг кенг доиралари учун қизиқарли бўлган энг долзарб қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишга тайёрлаш доирасида уларнинг жамоатчилик муҳокамаларини жойларда тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг, партиялар ҳудудий ташкилотларининг, ёшлар, аёллар, кекса авлод вакиллари, турли соҳалар экспертлари ва мутахассислари иштирокида ташкил этиш юзасидан таклиф билдирилди.

Шуниси ҳам борки, бундай амалиёт парламент қуйи палатасида бир неча бор синовдан ўтказилган. Хусусан, бу гал ҳам Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама этиш бўйича мажлиси Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вакиллари, Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳузурида фаолият кўрсатаётган эксперт гуруҳларининг аъзолари иштирокида бўлиб ўтди.

Амалдаги бир қатор қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг муҳимлигини инобатга олган ҳолда уларнинг моҳияти, мазмуни ҳамда аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш зарурлиги таъкидланди. Депутатлар мамлакатимиз раҳбари билан учрашувдан сўнг ўзлари учун хулосалар чиқариб олдилар, билдирилган фикр ва мулоҳазаларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилдилар. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбарининг барча таклифлари депутатлар корпусининг кундалик фаолиятига фаол жорий этилмоқда ва уни такомиллаштиришга хизмат қилаяпти.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

**Мусулмонбек ИБРОҲИМОВ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакили:**

– Давлатимиз раҳбарининг ёшларга бўлган юксак эътибори туфайли бугунги кунда депутатлар корпуси билан, шу жумладан, қонун ижодкорлиги жараёнида яқин алоқалар ўрнатилган. Бугунги кунда ёшлар у ёки бу қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикрлари, таклифлари ва тавсияларини билдириш имкониятига эгадирлар. Мазкур амалиёт, ўз навбатида, ёшларнинг манфаатлари қонунчилик даражасида ҳисобга олинишига имкон бермоқда. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражаси, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бораяпти, бу жамиятда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантиришда, ҳуқуқ устуворлиги принципи сўзсиз рўёбга чиқарилишида муҳим аҳамиятга эга.

**Мирзатилла ТИЛЛАБОЕВ, Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази директори ўринбосари:**

– Бугунги мажлисда биз депутатлар корпуси қонун ижодкорлиги жараёнига, шу жумладан, қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасига бўлган ўз муносабатини принцип жиҳатидан ўзгартирганини кўриб, ишонч ҳосил қилдик. Давлатимиз раҳбарининг парламент, сиёсий партиялар вакиллари билан учрашуви уларнинг фаолиятини такомиллаштиришда, сайловчилар билан икки томонлама алоқани мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади. Ишончимиз комилки, қонун лойиҳаларининг жойлардаги жамоатчилик муҳокамалари ҳам қонун лойиҳаларини пухта ишлаб чиқишда, турли табақалар ва гуруҳларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олишда катта аҳамиятга эга бўлади.

**Даврон АРИПОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати:**

– Халқ билан мулоқот, фуқароларнинг мурожаатларига жиддий эътибор қаратиш, инсон манфаатларини инобатга олиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви институтларига нисбатан одамларнинг муносабати, шубҳасиз, яхши томонга ўзгаришига кўмаклашди. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ, депутатлар бундан буён ҳам мазкур масалаларга жиддий эътибор қаратадилар. Шунингдек, биз қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаларини ўтказишда маҳаллий Кенгашлар депутатларига ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиб борамиз.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати**

# “ЎЗБЕКИСТОН БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ЮРАГИДИР”

***Япониянинг Сендай ва Нагоя шаҳарларида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, маданияти ва санъатига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

Мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси ва ушбу мамлакатнинг “World Air-Sea Service” ва “Hankyu International Travel” компаниялари билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда парламент, ҳукумат, маданият ва ишбилармон доиралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир давомида Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш, бу борадаги инфратузилмани модернизациялаш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва республикага келадиган меҳмонлар дам олишлари учун қулай шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги атрофлича маълумотлар иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди. Шунингдек, маросим давомида концерт дастури ҳам бўлиб ўтди. Унда ўзбек классик мусиқасининг энг яхши намуналари ижро этилди.

**“World Air-Sea Service” бош менежери Юко Такешита** “Жаҳон” ахборот агентлигига берган интервьюси чоғида Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги йирик мамлакат ва улкан маданий бойликлар хазинаси, дея эътироф этди.

– Бу ўлка Буюк Ипак йўлининг юраги бўлиб, асрлар давомида илғор илм-фан ва кашфиётлар янграган заминдир, – деди Ю.Такешита. – Мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилгани қувонарли ҳолдир. Тадбир давомида ўзбек замини ҳақида тақдим этилган маълумотлар Японияда уларнинг миллий бренди ошишига хизмат қилади. Жорий йили Япониянинг турли йирик шаҳарларидан Самарқанд шаҳрига чартер авиа қатновлари йўлга қўйилгани ҳам айнан ушбу мақсадларга йўналтирилгандир.

**“Жаҳон” АА,**
*Токио*

# ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ОЛИЙ НЕЪМАТ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Мирзо Улуғбек туман Кенгаши томонидан “Ижтимоий диний муҳитни соғломлаштириш, диний экстремизмнинг олдини олиш, ёшларни турли ёт ғоялар ва таҳдидлардан асраш” мавзуида тадбир ташкил этилди.***

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Мирзо Улуғбек туман Кенгаши раиси Шаҳзода Қурбанова, Тошкент давлат юридик университети профессори Гавҳар Юлдашева, Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича бош мутахассиси Элёр Каратаев ва бошқалар мустақил диёримизда ёшларга яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш, диний экстремистик ва террорчи оқимлар таъсирига тушиб қолмасликлари учун доимо огоҳ бўлишлари муҳимлигини таъкидлаб ўтишди.

– Инсон ҳаётга маънан, руҳан, жисмонан тайёр бўлиши, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмасликлари жуда муҳим, – дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Мирзо Улуғбек туман Кенгаши раиси Шаҳзода Қурбанова. – Уюшмаган ёшларни қамраб олиш, уларни иш билан таъминлаш, керак бўлса ўқув курсларига жалб этиб, қўшимча касб-ҳунарли қилишида барча бирдек масъуллигини унутмаслик лозим. Ёшларимизни турли ёт ғоялар ва таҳдидлардан асраш ҳар бир ота-она, маҳалла-кўй учун алоҳида эътиборли вазифадир.

Шунигдек, тадбирда сўзга чиққан Тошкент давлат юридик университети профессори Гавҳар Юлдашева диний оқимларнинг тарихи, баъзи давлатларда бўлаётган турли нохуш ҳолатларни ёшларимиз орасида тарғиб қилиб, тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишимиз шартлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Ана шундагина улкан мақсадларга эришиш мумкинлиги, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш барчамизнинг олий мақсадимиз эканлигини таъкидлади.

Тадбир сўнгида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

